



**2021 ЙИЛГИ МАВСУМДА ЎЗБЕКИСТОН
ПРОФЕССИОНАЛ ФУТБОЛ ЛИГАСИ
ТОМОНИДАН ЎТКАЗИЛАДИГАН
МУСОБАҚАЛАР РЕГЛАМЕНТИГА
КИРИТИЛГАН ЎЗГАРТИРИШ ВА
ҚЎШИМЧАЛАР**

**UZBEKISTAN
PROFESSIONAL FOOTBALL
LEAGUE**

Мазкур ўзгартериш ва қўшимчалар Ўзбекистон Профессионал футбол лигаси Ижроия қўмитасининг 2021 йил 06 июлдаги йиғилишида маъқулланган.



**UZBEKISTAN
PROFESSIONAL FOOTBALL
LEAGUE**

2021 йилнинг 15 май куни Ўзбекистон футбол ассоциациясида бўлиб ўтган Суперлига ҳамда Про лига футбол клублари раҳбарлари билан йиғилишда билдирилган таклифлардан келиб чиқиб, “2021 йилги мавсумда Ўзбекистон Профессионал футбол лигаси томонидан ўтказиладиган мусобақалар регламенти”га қўйидаги ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин:

1. 4-боб қўйидаги мазмундаги 4.5-банди билан тўлдирилсин:

4.5. Ёритиш тизими 1000 люксдан паст бўлган стадионлар учун ёз ойлари давомида учрашувларни ўтказиш тақиқланади. Бундай ҳолатда мезбон клуб учрашувни ёритиш тизими 1000 люксдан кам бўлмаган нейтрал майдонда ўтказиши лозим. Шунингдек, бундай жамоага рақиб жамоа билан давралар давомидаги учрашувлар манзилини ўзаро алмаштириш имконияти тақдим этилиши мумкин.

Агар стадионидаги ёритиш тизими 1000 люксдан кам бўлган жамоа тақвимда белгилангани бўйича уй учрашувини белгиланган муддатда ташкил этиш имкониятига эга бўлмаса, мазкур жамоанинг уй учрашуви автоматик равища рақиб жамоа майдонига кўчирилади ёки унга техник мағлубият ёзилади.

2. 17-бобнинг 17.5-банди қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

17.5. Эпидемиологик шароитдан келиб чиқиб, учрашув давомида алмаштириладиган футболчиларнинг рұхсат этилган сони қўйидагича этиб белгиланади:

- Суперлига — 5 та (уч уринишда);
- Ўзбекистон кубоги — 5 та (уч уринишда). Шунингдек, +1 экстра таймда;
- U-21 — 5 та;
- U-18 — 5 та;
- U-16 — 7 та;
- U-14 — 7 та;
- Про лига — 5 та (уч уринишда);
- Биринчи лига — 5 та;
- Аёллар Олий лигаси — 5 та (уч уринишда);
- Аёллар Биринчи лигаси — 5 та;
- U-16 аёллар — 7 та.

3. 17-бобнинг 17.9-банди қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

17.9. Мусобақа иштирокчилари учрашув қайдномасига 11 нафар асосий ва 9 нафар захира футболчисини киритиши мумкин. Шунингдек, қайдномадан ЎзПФЛ лицензияга эга бўлган 7 нафаргача расмий шахс жой олиши мумкин. Расмий шахслар орасида клуб шифокорининг бўлиши мажбурийдир. Захира ўриндиғига учрашув қайдномасида бўлмаган шахс қўйилмайди.

4. 17-бобнинг 17.16-банди қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

17.16. Учрашув қайдномасига киритилган захира футболчиларидан фақат 8 нафарига ўз захира ўриндиғига яқин дарвоза ортидаги бурчак байроғи зонасида чигалёзди машқларини бажаришга рухсат берилади. Бунда жисмоний тайёргарлик бўйича мураббий иштирок этиши мумкин. Захирадаги футболчилар либоси майдондаги футболчилар ва ҳакамлар либосидан фарқланиши лозим. Бунда машғулот ўтказаётган футболчилар тўплардан фойдалана олмайди (дарвазабон бундан мустасно).

5. 18-бобнинг 18.10-банди қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

18.10. Суперлига, Про лига ҳамда Ўзбекистон кубоги мусобақаларида клублар учрашув стартига 24 соат вақт қолгунича учрашувда иштирок этиши мумкин бўлган 23 кишилик кенгайтирилган рўйхатни ўз расмий сайти ҳамда ижтимоий тармоқлардаги саҳифалари орқали жамоатчиликка маълум қилиши тавсия этилади.

Шунингдек, эпидемиологик вазият билан боғлиқ ҳолатда ЎзПФЛга ўйиндан 24 соат аввал тиббий тест натижалари ва иштирокчилар рўйхати тақдим этилиши шарт.

6. 18-боб қўйидаги мазмундаги 18.19 ҳамда 18.20-бандлари билан тўлдирилсин:

18.19. Мусобақа давомида ёки унинг якунида бош мураббий, клуб раҳбари ёки футболчиси учрашув ҳакамлигига нисбатан ўз эътирозини билдиrsa, бироқ учрашув расмий қайдномасига Регламентнинг 16.2-бандида кўрсатилгани бўйича шикоят аризасига киритмаса, эътиroz билдирган шахс ҳамда клубга нисбатан ЎФАнинг “Интизом кодекси”га мувофиқ жарима санкцияси қўлланилади.

18.20. Мусобақа давомида жамоа учун белгилаб берилган техник зонада фақатгина бош мураббийнинг (зарур ҳолатда шифокор ёки таржимоннинг) эркин ҳаракатланиши ҳамда майдондаги футболчиларга кўрсатма бериши учун рухсат этилади. Қолган барча ҳолатларда клубнинг бош

мураббийдан бошқа вакилига нисбатан ЎФАнинг “Интизом кодекси”га мувофиқ жарима санкцияси қўлланилади.

7. 21-бобнинг 21.4 ва 21.5-бандлари қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

21.4. Про лига икки босқичли ва тўрт даврали тизимда ўтказилади. Биринчи босқичда 10 та клуб 9 та уй ва 9 та сафар (икки давра) — жами 18 та тур учрашувида майдонга тушади. 18-турдан кейин жадвал teng икки қисмга бўлинади (икки клуб мусобақани муддатидан аввал тарк этгани инобатта олинган ҳолда). Бунда юқори тўртлик Суперлига йўлланмаси учун курашни давом эттиради ҳамда ҳар бир клуб ўзаро яна 3 та уй ва 3 та сафар (яна икки давра) — жами 6 та учрашувда майдонга тушади. Қўйи тўртлик Про лигадаги ўрнини сақлаб қолиш учун курашни давом эттиради ҳамда ҳар бир клуб ўзаро 3 та уй ва 3 та сафар (яна икки давра) — 6 та учрашувда майдонга тушади.

Про лига мусобақаси натижасига кўра 1-2 ўринни эгаллаган жамоалар Суперлигага тўғридан-тўғри йўлланмани қўлга киритади.

21.5. Биринчи лига мусобақасида 11 жамоа ғолиблик учун кураш олиб боради ва ҳар бир жамоа бергер тизими асосида бир мартадан уй-сафар учрашувларида иштирок этади.

Мусобақа якунинга кўра, дастлабки икки ўринни қўлга киритган клублар лицензиялаш талабларига жавоб бериш шартида 2022 йилги мавсум учун Про лига йўлланмасини қўлга киритади. 11-ўринни қўлга киритган жамоа эса Биринчи лигани тарк этади.

8. Мазкур ўзгартириш ва қўшимчалар 2021 йилнинг 29 июлидан бошлаб кучга киради.

**UZBEKISTAN
PROFESSIONAL FOOTBALL
LEAGUE**